ОҚИБАТ, МЕҲРУ МУРУВВАТ

# ШИРИН СЎЗ — ҚАЛБ МАЛҲАМИ

Кўксарой Нурота тоғ тизмаларининг қоқ биқинидан бошланадиган, туяларнинг ўркачини эслатувчи эгри-бугри қир-адирлар этагида жойлашган сўлимгина қишлоқ. Одамлари асрлар давомида асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланиб келаётган бағри кенг, жўмард, танти, меҳнаткаш инсонлар.

Пўлкан шоир номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси муовини Аслон Тўрақулов ва шу ерлик ўқитувчи Сайдназар Ҳасановлар билан қишлоқни айландик. Одамлар билан суҳбатлашдик.

Дастлаб қишлоқнинг кун чиқар томонида жойлашган, деворлари нураб бораётган кўримсизгина бир хонадонга ташриф буюрдик. Бизни хонадон соҳибаси 80 баҳорни қаршилаётган Майрам момо Усмонова қарши олди. Биз ана шу мўъжазгина уйда истиқомат қилаётган момонинг аҳволи билан қизиқдик.

Момо турмуш ўртоғи Улуғ Ватан уруши бошланганда биринчилардан бўлиб кўнгиллилар сафида жангоҳга кетганича ҳамон домдараксизлиги, ундан қолган ягона ўғли — Пиримжон 1986 йилда бевақт ҳаётдан кўз юмганлигини, шу орада келини ҳам оламдан ўтганлиги, улардан эса суйиб-суйиб эркалашга бирон набира ҳам қолмаганлигини мунг билан гапирганида кўзларимиз ёшланди.

— Болам, мана мен 80 баҳорни қаршилаган бўлсам ҳамки, ҳалигача хонадонимга туман катталари у ёқда турсин, ўзимизнинг маҳаллий раҳбарлардан биронтаси «Аҳволингиз қалай, нимангиз етишмайди, тирикчилигингиз қандай бўляпти? — деб сўраб келганини эслолмайман. Бир вақтлари мен ҳам соғ-саломат эдим, қўлимдан иш келарди, жамоа хўжалиги даласида эртадан то қоронғу тушгунча меҳнат қилардим. Энди қариганимда ҳеч кимга керак бўлмай қолдимми?

Ахир раҳбарлар мени ўйлашмаса ҳам Улуғ Ватан уруши жангоҳларидан омон қайтмаган чолим Усмон бобони, шу жамоа хўжалигида 20 йилча ҳисобчи бўлиб ишлаган, эндиликда марҳум ўғлим Пиримжонни эсласалар бўлмайдими? Ахир азал-азалдан етим-есирларга, қаровсиз қолган қарияларга, ногиронларга хайр-эҳсон қилиб, ёрдам бериш ўзбек халқининг эзгу удуми эдику...

Майрам момо, хаёлга чўмганича, индамай қолди. Биз унга нима деб тасалли беришни, меҳрсизлик туфайли унинг қалбида уйғонган дард-аламни қандай ювиб юборишни билмай, ўзимизни тикон устида қолгандек сездик. Хайрият, кампирнинг ўзи жонимизга оро кирди.

— Раҳмат ҳукуматимизга, қарилик нафақамни ўз вақтида олиб турибман, — деди у, яна тетиклашиб.— Бисотимда бор-йўғи бир сигир, бир бузоғим бор. Анча бўлиб қолди. Сигирни етаклаб суғоргани сой бўйига олиб борган эдим. Шу пайт, нима бўлди-ю, муз ёрилиб сигир сувга йиқилди. Яхши ҳамки 4—5 нафар одам келиб сигирни сувдан олиб чиқишди. Жонивор шу йиқилганича ўрнидан туролгани йўқ. Қўни-қўшниларнинг, маҳалла-кўйнинг борлигига шукр, умридан барака топкурлар кунора холимдан хабар олишиб, ёрдамлашиб туришади. Бўлмасам, мендай қари кампирнинг холи не кечар эди?

Майрам момонинг гаплари бизни чуқур ўйга толдирди. Одам-одам билан тирик эканлигини, меҳр-оқибат, бир оғиз ширин сўз баъзан ҳар қандай малҳамдан кучли таъсир қилишини дилдан ҳис этдик.

Майрам момо билан хайрлашиб, Оқтов томон олиб борадиган асфальт йўл четида қурилган Кўксарой алоқа бўлими биноси ёнига келдик. Бино олдидаги ўриндиқда 10—15 чоғли киши тўпланиб олишиб аллanималар ҳақида гурунглашмоқда эди. Қишлоқ одамлари йўқлаб келганимиздан жуда қувонишди. Улар тўпланиб қолган муаммолар ҳақида куюнчаклик билан сўзлашди.

— Мен Норқул Эргашев 1978 йилдан буён шу жамоа хўжалигида механизатор бўлиб ишлаб келаман. Бизни ташвишга солаётган муаммо шуки, қишлоқнинг кун чиқиш томонидан сойдан нариги қирғоққа ўтиш учун осма кўприк қуриш керак. Биз бу масала юзасидан кўп жойларга мурожаат қилдик, аммо натижа бўлмади. Қишлоғимиз аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланмаган. Қишлоғимизда сув минораси бор. Лекин қандайдир сабабларга кўра ишламайди. Одамлар ифлос ва кўлмак сувдан фойдаланишаётир. Бу юқумли касалликларни келтириб чиқаряпти. Ўзбекистон жумҳурияти халқ ноиблигига сайловлар арафасида номзод Аҳтам Усмонов қишлоққа келиб, тез орада осма кўприк қуриб бераман, деб ваъда берганди. Орадан қанча вақт ўтсада, ваъда ваъдалигича қолмоқда...

— Маошларимизни ўз вақтида ололмай оворaю сарсон бўлиб юрибмиз, — деди суҳбатдошлардан бири. Бу фикрларни Эрдон Мустафоев, Тожибой Ирисов, Тоштемир Муқимовлар ҳам тасдиқлашди.

Кейинги пайтларда қишлоққа умуман суюлтирилган баллонли газ ҳам келмай қўйди. Шунинг учун қишлоқ одамлари бир-бирлари билан учрашиб қолишса, саломлашишдан олдин «баллонли газ келадими?» деб сўрашади. Зеро, қишлоққа охирги маротаба баллонли газ 1992 йилнинг октябрь ойида келган эди. Мана шундан буён орадан қарийб тўққиз ойча вақт ўтаётган бўлса ҳамки, ҳалигача газ баллонлардан дарак йўқ. Наҳотки, қишлоққа лоақал ойига бир маротаба режа асосида баллонли газ олиб келишнинг иложи бўлмаса?

Яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш лозим. Шу хўжаликнинг собиқ директори Ҳамдам бобо Раҳимовнинг ташаббуси ва раҳбарлиги билан 1988 йилда 5 та кооператив уй қурилиб фойдаланишга топширилган эди. Ҳар бири олти хонадондан иборат олди айвон қилиб солинган бу уйларни узоқдан кўрган кишининг ҳаваси келади. Аммо яқиндан келиб кўрсангиз, бирортаси ҳам шу кун талабларига жавоб бермаслиги маълум бўлиб қолади. Эътиборсизлик туфайли полларнинг тахталари тарвақайлаб очилиб кетган, захи ҳиди анқийди, деворлар нураган, қушлар эса бу кимсасиз уйларни ўзлари учун макон қилиб олишган. Нима учун давлатнинг катта миқдордаги маблағи ҳисобига қурилган уйларда ҳеч ким яшамаётганлигини сўраётганимизда хўжалик бош иқтисодчиси Боліқул Чориқулов ва ёрдамчи иқтисодчи Ғайбулла Хайруллаевлар сув масаласи ўткир муаммо эканлигини айтишди.

Ўз-ўзидан савол туғилади: наҳотки, бу масалани ҳал қилиш учун 5 йил муддат етмаган бўлса?!

Халқнинг ишончини оқлаш фарз. Бу нарсани Пўлкан шоир номли жамоа хўжалиги раҳбарлари ҳам, бошқа мутасадди ўртоқлар ҳам асло унутмасликлари зарур.

Биз, оддий инсонлар эса ўзаро меҳр-муҳаббатни ардоқлашимиз , бир-биримиздан ҳол-аҳвол сўраб туришни канда қилмаслигимиз даркор. Ўшандагина инсонийлик лафзимизни адо этиб, Оллоҳ таолонинг суюкли бандалари қаторидан жой оламиз.

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**
**Хатирчи тумани.**

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ «ҲОЖАТБАРОР» ТАРҒИБОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ
МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛ: 33-44-43, 32-54-44, 32-56-34, 32-56-25
БУЮРТМАЛАРИНГИЗ ТЕЗДА АДО ЭТИЛАДИ

## Қутлаймиз



Ҳурматли Василий Михайлович Пак!

Сизни қутлуғ олтмиш ёшингиз билан меҳнат жамоамиз, барча ҳамкасбларингиз ва қадрдонларингиз номидан чин қалбдан муборакбод этамиз.

Қарши чўлини ўзлаштиришдек эзгу ишга кўп йиллардан бери ўз улушингизни қўшиб, қўриқ забткорларини тоза ичимлик сув билан таъминлашда малакали ва жонкуяр мутахассис сифатида фаол иштирок этиб келаётганлигингизни кўпчилик эътироф этади.

Муборак ёш билан қутлар эканмиз, келгусидаги ишларингизга муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаб, оилангизга доимо шодхуррамлик йўлдош бўлишини ният қиламиз.

**«Қаршистрой»га қарашли ичимлик сув таъминоти бирлашмаси жамоаси ва касаба уюшмаси қўмитаси.**

## Муборакбод этамиз



Қадрли падари бузрукворимиз Абдулла Бобоев!

Сиз учун ғоят қувончли бўлган дамда, яъни умрнинг етмишинчи довонидан ошган бугунги кунда барча қариндош-уруғлар, тенгдошларингиз, қадрдонларингиз номидан чин дилдан муборакбод этамиз. Улуғ Ватан урушининг суронли йиллари азобини бошдан ўтказиб, иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб, эллик беш йилдан ортиқ турли масъулиятли вазифаларда сидқидил меҳнат қилиб, эл-юртнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлганингиз учун биз — фарзандларингиз ҳақли равишда фахрланамиз. Ҳозирги пайтда Бешкентдаги мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган Алишер Навоий номли маҳалла қўмитаси раиси сифатида фаолият кўрсатиб, хайрли ишларга бош-қош бўлаётганлигингиз кўпчилик томонидан эътироф этилмоқда.

Саккиз нафар фарзандларингиздан вояга етаётган ўттиз саккиз нафар набира ва чевараларингиз номидан саксонинчи довонга одим ташлаганлигингиз билан қутлар эканмиз, бахтимизга кўп йилу кўп ойлар бошимизга соябон бўлиб юришингизни, хонадонимиз оқсоқоли сифатида барчамизга йўл-йўриқ кўрсатиб туришингизни тилаймиз.

**Сирдарёда истиқомат қилаётган синглингиз Адолатхон, фарзандларингиз Абдуҳамид, Абдурауф, Абдураҳмон, Абдуманноп, Сайёра, Назира.**

• Спорт • спорт • спорт

# ИҚТИДОРЛИЛАРГА ШАРОИТ ЯРАТАЙЛИК

Маълумки, иқтисодий танглик, тақчиллик, бозор шароитларида иш юритиш жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мавжуд муаммоларни янада кескинлаштириб юборди. Кўпгина жисмоний тарбия жамоаларида қийинчиликларни баҳона қилиб машғулотлар ва мусобақаларни ташкил этиш ишларига эътиборни сусайтиришди. Ҳолбуки астойдил киришилса, ҳар қандай шароитда ҳам чорасини топиб, ишларни йўлга қўйиш мумкин. Узоққа бормасдан ўзимизнинг ташкилот — Бухоро вилоят касаба уюшмалари «Ўзбекистон» жисмоний тарбия ва спорт жамияти фаолияти хусусида сўз юритмоқчиман.

Қийинчиликлар бизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Лекин қўл қовуштириб ўтирсак, натижа чиқмаслигини дилдан ҳис этиб 1993 йил 15 апрелда жисмоний тарбияга бағишланган махсус йиғилиш ўтказишга қарор қилдик. Бу ҳақда «Бухоро хабарлари» газетасида эълон берилди.

Махсус йиғилишга қадар касаба уюшмаларига тегишли жисмоний тарбия ва спорт ишлари тақдири тўғрисида ҳар хил гаплар юрар эди. Баъзи бировлар очиқчасига: «Деҳқонга жисмоний тарбиянинг нима кераги бор?» деган гапларни ҳам айтишдан тойишмасди. Лекин бундай хато қарашларни тарғиб қилувчилар адашишади. Йиғилишда касаба уюшмаларининг «Ўзбекистон» жисмоний тарбия спорт кенгаши шу соҳадаги жамики саъи-ҳаракатларни мувофиқлаштирувчи марказ сифатида зарур эканлиги, барча ташкилотлар ва муассасалар имкон доирасида унга мадад бериши зарурлиги уқтирилди. Ҳозирги шароитда аҳолининг барча табақаларини соғломлаштириш тадбирларига жалб қилиш, хусусан қишлоқ аҳли, ўқувчи ёшлар ўртасида жисмоний машғулотлар ўтказишни кучайтириш учун барча воситалар ишга солиниши кераклиги таъкидланди.

Олдимизда турган вазифаларни ойдинлаштириб олгач, биз амалий ишга киришдик. Ҳозир тиббиёт ходимлари касаба уюшмалари вилоят қўмитасининг спартакиадаси ниҳоясига етди. Тиббиёт ходимларига биз спортнинг фалон турлари бўйича мусобақа ўтказасиз дея кўрсатма берганимиз йўқ. Уларнинг ўзлари имкониятларидан келиб чиқиб баҳсларни ташкил этишди. Натижада спартакиада ҳар қачонгидан ҳам қизғин, мароқли ўтди. Дастлабки муваффақият бизни агросаноат уюшмаси ходимлари, алоқачилар, маиший хизмат кўрсатувчилар ўртасида спартакиадалар ўтказишга ундади.

Тўғри, бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги мушкул шароитда маблағ масаласи асосий муаммо бўлиб турибди. Биз ташкилотма-ташкилот, муассасама-муассаса юриб, пул ундириш ўрнига вилоятдаги барча район ҳокимиятларига касаба уюшмалари вилоят қўмитаси ҳамда вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси раиси имзоси билан хат жўнатдик. Шуни айтиш кераккки, аксарият ҳокимликларда бизнинг ташаббусимизни қўллаб-қувватлашди. Шу тариқа касаба уюшмалари «Ўзбекистон» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг район кенгашлари фаолият кўрсатиши учун анча маблағ ажратилишига эришдик. Бундан ташқари бизнинг район кенгашларимиз спорт тижорат тадбирларини ўтказишмоқда. Яъни спортнинг ҳар хил турлари бўйича мусобақаларда қатнашиш хоҳишини билдирганлар олдиндан пул тўлашади. Вилоят кенгаши давлат ва жамоа ташкилотлари аъзолик бадаллари асосида ҳам мусобақалар ўтказмоқда. Равшанки, вилоят ёки район кенгаши мусобақаларда қатнашаётган жамоаларни рағбатлантиришга етарли миқдорда соврин миқдорини белгилайди.

Кейинги пайтда ўтказилган мусобақалар қаторида Қоракўл районида полвонлик баҳсларини таъкидлаш мумкин. Айнан шундай мусобақа Олот, Бухоро районларида ҳам бўлиб ўтди. Барча районларда ўйингоҳлар, футбол бўйича терма жамоалар мавжуд.

Ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини йўлга қўйиш ҳақида гап кетаркан, аввало болалар-ўсмирлар спорт мактаблари хусусида тўхталиш жоиз. Сир эмаски, кўп жойларда маблағ йўқлигини рўкач қилиб, бундай мактабларни беркитиб юборишди. Биз касаба уюшмалари мададига таяниб болалар, ўсмирлар спорт мактаби фаолиятини ҳозирча маблағ билан таъминлаб турибмиз. Бу ёш авлодни соғломлаштириш тадбирларига жалб қилиш имконини бермоқда. Бугунги кунда бизнинг қарамоғимизда шундай мактаблардан олтитаси бўлиб, учтаси вилоят марказида, учтаси қишлоқларда жойлашган. Болалар ва ўсмирлар ўртасида спортни ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Мактабларимизнинг 20 дан кўпроқ тарбияланувчиси жумҳурият ўсмирлар ва катталар терма жамоаларининг аъзоларидир. Булар Р. Болтаев, Ш. Очилов, Ҳасан ва Ҳусан Мавлоновлардир. Самбо кураши бўйича анча маҳорати ошиб қолган бу йигитлар «Маданият» жамоа хўжалигига қарашли болалар-ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиларидир.

Ш. Саъдиев грек-рим кураши бўйича, А. Пўлатов эркин кураш бўйича ўсмирлар ўртасида 1993 йили Ўзбекистон чемпиони бўлишди. Спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам истеъдодли ёшлар вояга етмоқда.

Ҳеч бўлмаганда шу талантли ёшларни камолга етказиб, мустақил Ўзбекистоннинг довруғини янада ошириш мақсадида ҳар қанча тер тўкилса, маблағ сарфланса арзийди. Шундай экан жисмоний тарбия ва спорт ишларини, соғломлаштириш тадбирларини маблағ билан таъминлаш масаласини жиддий ўйлаб кўриш, амалий тарзда ҳал этиш керак. Ахир жисмоний тарбия ва спортни аҳоли ўртасида оммалаштириш билан шуғулланадиган ташкилотлар, мутасадди ўртоқлар қачонгача маблағ масаласида қийналишади. Ҳозир жумҳуриятимизнинг турли бурчакларида жисмоний тарбия ва спортнинг янги концепцияси лойиҳаси муҳокама қилинмоқда. Истардимки, жисмоний тарбия, спорт соҳасида ҳам биз, юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, янги, такомиллашган тизимни барпо қилмасдан туриб эски, лекин самарали ишлаб турган тузилмаларни бузмаслигимиз керак. Умуман жисмоний тарбия ва спорт соҳасида турли бўғинлар тенг равишда фаолият кўрсатишига кенг йўл очиб бериш зарур. Ўшанда бу соҳада албатта илгари силжиш бўлади.

**Б. ҒАФФОРОВ,**
**касаба уюшмалари «Ўзбекистон» жисмоний тарбия ва спорт жамияти Бухоро вилоят кенгаши раиси.**



Чимён санаторийсида айни пайтда йил бўйи пешона тери тўккан қишлоқ меҳнаткашларининг бир гуруҳи ҳордиқ чиқаришяпти. Бу тиббий масканнинг сўлим табиати, хуш ҳавоси уларни ўз бағрига чорлаган. Санаторий қошидаги «Марварид» дастаси санъаткорларининг чиқишлари дам олувчиларга беҳад манзур бўлаётир. Айниқса дастанинг яккахон хонандаси Азизахон Холбекованинг дилбар қўшиқлари қалбларни тўлқинлантириб, дилларни хушнуд этмоқда.

СУРАТДА: Азизахон Холбекова қўшиқ ижро этмоқда.

У. ҚЎШВОҚОВ олган сурат.

*Янги нашр*

## «ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛИ»

Бугун яна бир янги рўзнома — «ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛИ» ҳаётга оқ йўл олди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» қарори мазкур газетанинг дунёга келишига асос бўлди. Ўзбекистон Мустақиллигининг икки йиллиги арафасида «Ўзбекистон футболи»нинг нашр этилиб, кўп сонли муштарийлар қўлига бориб тегиши истиқлол шарофати-тухфасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг газетанинг биринчи саҳифасида берилган қутловида шундай сатрлар бор: «Ўзбекистон футболи»нинг нашр этилиши мамлакатимиз ижтимоий ва маданий ҳаётида муҳим воқеадир... Ўтган қисқа даврда республикамиз барча соҳаларда дунё миқёсига чиқа бошлади. Фурсат келди, энди ўзбек футболи ҳам жаҳонда ўз мавқеини топиши керак...». Ана шу табрик билан бирга Президентимизнинг футбол тўпини самимий ва очиқ чеҳра билан ушлаб турган суратининг берилиши ҳам аввало ўзбек футболига, қолаверса янги рўзномага республикамиз раҳбариятининг хайрихоҳлиги ифодасидир. Энг асосийси, бу эзгу ишга оқ фотиҳасидир.

Газета Бош муҳаррири Сафар Остонов «Истиқлол туҳфаси» мақоласида таъкидлаганидек, «бу эътибор, ишонч таҳририят жамоасига катта масъулият юклайди, албатта». Шунингдек, газетанинг биринчи саҳифасида «Бизни қутлайдилар» рукни остида Ўзбекистон Республикаси футбол федерацияси бош котиби Салим Эшмуҳамедовнинг мухтасар табриги, «Футбольний курьер» журналистлари номидан Бош муҳаррир Алексей Гриднев ва «Азия—Спорт» газети йўллаган қутловларга ҳам ўрин берилган.

Газетанинг иккинчи ва учинчи саҳифаларида махсус мухбир Ҳайдар Акбарнинг «Фарғона деганда...», Аброр Имомхўжаевнинг «Олий табақа. Биринчи давра якунлари» рукнида «Табиий тасодифлар» мақолалари чоп этилган. «Нефтчи» — «Пахтакор» командалари учрашувидан олинган ҳаяжонли суратлар ҳамда «Мусобақа жадвали» ҳам шу саҳифалардан ўрин олган. Газетанинг тўртинчи саҳифасида ҳам ранг-баранг мақола ва суратлар бор.

«Ўзбекистон футболи» бундан буёғи ҳафтада бир марта «Спорт» газетасининг иловаси сифатида чоп этилиб, муштарийларни хушнуд этади, деб умид қиламиз. Ҳар икки маънода Ўзбекистон футболи дунё довонларидан муваффақиятли ошиб, довруғ таратса — не ажаб!

А. ТУРДИЕВ.

## ОЛИМПИАДАЧИЛАР ТАРАДДУДИ

Ўзбекистон Республикаси олимпиада терма командаси футболчилари Беларусдан қайтиб келишди. Команда мураббийлари Ўзбекистон чемпионатидаги қисқа танаффусдан фойдаланиб, Олимпиада-96 саралаш ўйинларига тайёргарлик босқичларидан бирини сафарда ўтказиш учун барча номзодларни тўпладилар.

Биринчи ва олий тоифадаги командаларда иштирок этаётган ёши йигирмадан ошмаган спортчилар терма команда байроғи остига тўпландилар.

— Бизнинг асосий мақсадимиз тажриба орттиришдан, ёш терма команданинг турли линиялари ва бўғинларини синаб кўришдан иборат эди, — деди бош мураббий Мирзоҳид Ғуломов. — Беларусда учта учрашув ўтказдик. Биринчисида Беларуснинг олимпиада командасини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратдик. Иккала тўпни Бекободнинг «Майдончи» ҳужумчиси Арслон Толибов киритди. Қолган икки учрашувда омадимиз келмади — Минскнинг динамочилари ва Риганинг «Витус» командаси билан учрашувда мағлуб бўлдик, менимча бу ўйинларни яхшироқ ўтказишимиз мумкин эди.

Сафаримиз фойдали бўлди, деб таъкидлади команда мураббийси. Мезбонлар бизга яхши эътибор беришди— командамизни Олимпиада марказидаги базага жойлаштиришди, энг яхши таълиммашқ залларини, хоналарни, барча зарур асбобларни тасарруфимизга бериб қўйишди. Учрашув натижалари унча аҳамиятга эга эмас, энг муҳими малакаси юқори командалар билан учрашувда кучимизни синаб кўриш биз учун муҳимроқ эди. Биз ана шундай командалар билан учрашдик.

Учрашув натижалари юзасидан командани тайёрлаш режасига зарур тузатишлар киритилди. Бу тузатишлар 1994 йилда бўладиган саралаш ўйинларига яхши тайёргарлик билан бориш имконини беради. Олимпиадачилар сентябрь ва октябрь ойларида яна тўпланадилар, унда Корея Республикаси футболчилари билан яна иккита халқаро учрашув ўтказиш режалаштирилган.

**(ЎзА мухбири).**

## МУСИҚИЙ ТЕРМОС

Машҳур «Тошинтерм» Ўзбекистон—Хитой қўшма корхонаси рўзғор термослари ишлаб чиқариш билан чекланиб қолмасликка қарор қилди. Бу маҳсулотларга талаб катта бўлишига қарамай, корхона тикувчилик буюмлари ишлаб чиқарадиган қўшма компаниянинг ҳам муассиси бўлди. Иккинчи томон — Покистоннинг «Аҳмад Ғани корпорейшн ЛТД» фирмасидир. Ўзбекистонликлар республика мустақиллигининг икки йиллиги арафасида дўконларимиздан эркаклар кўйлаклари, шимлар, чойшаблар ва бошқа кўп маҳсулотларни харид қилишлари мумкин бўлади.

«Тошинтерм» маҳсулотларини таърифлашга ҳожат йўқ. Бу маҳсулотлар тўрт йилдан буён кўпгина мамлакатларнинг бозорларида сотилмоқда, Лекин республикадаги ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатларидаги қийин иқтисодий вазият қўшма корхонадаги ишбилармонларни янгича ҳаракат қилишга ундади. «Аҳмад Ғани корпорейшн» қадрсиз рубль учунгина ишламоқчи эмас. Бу ердагилар замонавий технология, машина-ускуналар ҳамда ходимларнинг малакаси учинчи мамлакатлар учун маҳсулот ишлаб чиқаришга ва шу йўл билан йилига 3,5 миллион доллар фойда олишга имкон беришига ишонадилар.

Бугина эмас. Яқин кунларда Тошкентдаги «Болалар дунёси» фирма дўконлари тизимига мусиқий қурилмаси бўлган автомат ўйинчоқларнинг тажриба туркуми сотишга чиқарилади. Улар «Тошинтерм» цехларидан бирида тайёрланган.

Энди энг қизиқарли маълумотларни келтирамиз. Ўзбекистон—Хитой қўшма корхонаси мусиқий қурилмаси бўлган термосларнинг тажриба туркумини чиқаришга тайёргарлик кўрмоқда. Тасаввур қилиб кўринг-а: тугмачани боссангиз пиёлага қайноқ чой қуйилади ва айни пайтда ёқимли куй янграйди.

Маълумки, «Тошинтерм» бутловчи маҳсулотларнинг бир қисмини Хитойдан олади. Тўғри, Хитойга ҳам кўп маҳсулот жўнатилади, бу битимда кўзда тутилган. Бироқ Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбирига маълум бўлишича, юк машиналаримиз қўшни мамлакатнинг Хитой билан чегарасида бир неча кунлаб туриб қолмоқда. Бу эса икки томонлама шартномага салбий таъсир қилмоқда. Бундай бўлмаслиги керак, албатта. Аммо, афсуски... бундай можаролар такрорланмаслиги учун Тошкентдаги бош корхонада ойнали колбалар ва махсус шиша идишлар ишлаб чиқарадиган завод қурилиши бошланди. Демак «Тошинтерм» маҳсулот етказиб берувчиларга унчалик қарам бўлмайди. Янги корпус анчагина қимматга тушади — уни қуришга 1 миллиард сўм сарфланади. Янги завод «Тошинтерм» олган фойда ҳисобидан барпо этилмоқда.

И. САФАРГАЛИЕВА,
ЎзА мухбири.

Бош муҳаррир Н. ЁҚУБОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ҒОФУРОВ (масъул котиб), Н. ОРИФЖОНОВ, К. РИХСИЕВ, Э. ИБРОҲИМОВ, Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзплодоовошчвинпром» концерни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жамоаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб—33-09-93, Масъул котиб ўринбосарлари—32-56-25. Деҳқончилик бўлими—32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими—32-56-31. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими—32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000096. Буюртма П—327. 30910 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди — 22.00

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6.